



Adolat

Ozbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yildan chiqa boshlagan 2001 yil 26 yanvar juma №4 (291) sotuvda erkin narxda

● Бугунги кунда бир оддий ҳақиқат барчамизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг ХХI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрни эгаллаши ҳам — буларнинг барчабарчаси, авваламбор, янги авлод, унибўйсил келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Ислом КАРИМОВ.

ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ

24 январь куни Тошкентда ёшлар масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора, муассаса, ташкилот, олий ўқув юрталари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ҳамда ёшлар вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.



Мамлакатимиз раҳбари ўз сўзида юртимизда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг марказида турганини алоҳида таъкидлади. Ёрқин келажақ, қудратли давлат қуриши айнан бугунги авлоднинг салоҳиятига, унинг интилиши ва ақл-идроқига боғлиқ, деди Президент. Шу сабабли истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб маъруза масаласида жиддий эътибор қаратилди ва бу ишлар бугунги кунда янада кучайтирилмоқда. Ёшларимизнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, имкониятларини кенгайтириш, таълим-тарбия олишига етарли шароит яратиш мақсадида мамлакатимизда турли жамғармалар, ташкилотлар тuzилди. Бугунги кунда айнан шундай муассасаларимиз кўмагида ёшларимиз ҳорижда ўқиш, замон талаблари даражасида таълим-тарбия олишга маъмур бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, уларнинг яхши ҳаёт қуриши, фаровон турмуш кечириши учун яратилган имкониятлар кенгайиб бораётир.

Мамлакатимизда маънавий ва жисмоний баркамол авлоднинг тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, улар бугунги давр талаблари даражасида кенг қамровли эмаслиги ҳам сир эмас. Шунинг учун ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш зарур. Йиғилишда Президент Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганидек, Ўзбекистон ХХI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шундай экан, айтиш пайтда бу соҳада йўл қўйилган ҳар қандай суст-кашлик, камчилик келажаққа берилган зарбага тенг, дейиш мумкин.

Шу ўринда жамиятимизда ёшлар тарбиясида айрим бўшлиқлар вужудга келганини айтиб ўтиш жоиз. Айнан шундай бўшлиқлар сабаб баъзи ёшларнинг ҳар илк диний-экстремистик, террорчилик оқимлари таъсирига берилишига йўл қўйилди. Бу эса асло кеңиришмас ҳолдир. Кимда-ким бизнинг мустақил тараққиёт йўлимизни, орзу-мақсадларимизга эри-

ган ёшларимизнинг маънавий-тарбияси бузади, уларни азалий табиятимизга ва муқаддас одатларимизга муноғаларни шаклланиб улгурма-

лан чалғитиб, ўзларининг гиразли ва жирканч ниятларини амалга ошириш йўлида қурол қилишга уринадди, деди давлатимиз раҳбари.

Сўнгги йилларда гоёвий душманларимиз ўзларининг манфур ниятларини рўйбга чиқариш учун энг замонавий телекоммуникация ютуқларидан, жумладан, Интернет тармоғидан фойдаланишга ҳам ҳаракат қилипти. Шу сабабли маънавий-тарбиянинг бўшлиқ ҳосил бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Президент бундай бўшлиқ юзага келган тақдирда уни ёшларнинг илмга, касб-хунарга, соғлом турмуш тарзига, бунёдкорлик ишларига қизиқишлари билан ҳамроҳ бўлган янги ҳаёт мазмуни, янги ҳаёт қадриятлар билан тўлдириб лозимлигини айтиди. Ислом Каримов ёшларимиз тарбиясини ўз қўлимизга олмасак, бу ишни бошқалар, бу иш демократия тамойилларига асосланган фаровон ҳаёт қуришимизга раҳна олувчи кўчлар ўз қўлига олиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирди.

Хўш, ёш авлоднинг турли қинғир йўللарга кириб кетишидан, номақбул оқимлар таъсирига тушиб қолишдан қандай ҳимоя қилиш мумкин? Давлатимиз раҳбари ёшларимизни ана шундай таъжовулардан ҳимоя қилиш йўлидаги курашда икки йўналиш, икки тамойилни белгилаб берди. Уларнинг биринчиси бу курашда халқимизнинг азал-азали ахлоқига, бугунги кундаги ҳаётимизга қўйилган эътиборимизга қўйилган энг муҳим мақсад сифатида белгилаб, уларни ўзаро уйғунлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ёшларининг бошини қовуштириш, муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланиш, имкониятларини кенгайтириш мақсадида бундан беш йил муқаддам «Камолот» жамғармаси ташкил этилган эди. Тан олиш керак, бу жамғарма муайян ишларни амалга оширди. Бирок «Камолот» ташкил этилган пайтда ўз олдида қўйган муҳим мақсадларни амалга ошира олмади. Ёшлар тарбияси билан шуғулланиш ўрнига, кўпроқ тижорат йўлига ўтиб олди.

Ислом Каримов ўз нутқида моддий нўқтаи назардан кўп нарсага эриштиш осон, бирок маънавий-тарбиявий соҳасидаги йўқотишлар ўрнини тўлдирish қийин иш эканини таъкидлади. Айтиш мумкинки, «Камолот» айтиш мумкинки, ўз олдида қўйилган вазифаларни уздай олмади.

Шу боис Ислом Каримов ёшларнинг бошини қовуштиришда, «уларнинг чинакам суяничи ва таяничи бўла оладиган» янги ташкилот тузиш гоёсини илгари сур-

ди. Давлатимиз раҳбари бу ташкилот «Камолот» номини сақлаб қолиши, бироқ унинг иш юритиш услуби жағмараниқидан фарқи бўлишини таъкидлади. Президент янги ташкилотни ёшларнинг ижтимоий ҳаракати шаклида тузиш мақсадида мувофиқ бўларди, деди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шoirлари Абдулла Орипов ва Мухаммад Юсуф, Ўзбекистон Миллий университети ректори Тўрабек Долимов, «Камолот» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Қажрамон Қуробоев, «Улугбек» жамғармаси Фаргона вилоят бўлимининг раисаси Зарина Абдуллаева ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг ёшларнинг ижтимоий ҳаракатини тузиш ташаббусини қўллаб-қувватлади. Бундай ташкилотнинг ташкил этилиши миллий манфаатларимизга хизмат қилишини алоҳида қайд этди.

Йиғилишда янги ижтимоий ҳаракатнинг ташаббускор гуруҳини ташкил этиш кераклиги таъкидланди. «Камолот» жамғармаси негизда фаолият юритадиган бу гуруҳ вилоятлар, туманлар, шаҳар ва қишлоқларга чиқиб, ёшларнинг янги ҳаракат борасидаги фикрини ўрганиши, уларнинг хоҳиш-иродаси асосида Низом лойиҳасини ишлаб чиқиши белгиланди.

Оқсана ЗАДУНАЙСКАЯ, Анвар КАРИМОВ, Ўза Мархубралари.

ЖУРНАЛИСТЛАР МУЛОҚОТИ

Миллий матбуот марказида журналистларнинг музокира Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг босиб ўтган йўли, бугунги кун ва тараққиёт йўналишларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда Давлат матбуот қўмитасининг раиси Руслан Шогурломов мустақиллик йилларида мамлакатимизда бу борада эришилган ютуқлар ҳақида гапириб берди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган даврга, яъни 1990 йилда республикада 300 тага яқин газета ва 60 та журнал, битта ахборот агентлиги бор эди ҳолда, деди у ўз сўзида. Ушбу даврдаги ўзгаришлар сони қарийб 60 фоизга, журналлар сони эса икки бараварга кўпайди. Ахборот агентликлари сони учтага өтди. Босма оммавий ахборот воситалари ўзбек, рус, инглиз, қозоқ тилларида, газеталар сони қарийб 60 фоизга, журналлар сони эса икки бараварга кўпайди. Ахборот агентликлари сони учтага өтди. Босма оммавий ахборот воситалари ўзбек, рус, инглиз, қозоқ тилларида, газеталар сони қарийб 60 фоизга, журналлар сони эса икки бараварга кўпайди.

Шундан сўнг журналистлар қўмитаси ўз тарихини қизиқтирган саволлар билан муножабат қилди. Уртада бўлиб ўтган очик мулоқотлар домида чет эллардаги айрим оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистондаги вояга-ҳодирларнинг ҳаётини ўрганиш, нотўғри ёритилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Журналистлар матбуот соҳасида эришилган ютуқларни таъкидлаб билан бир қаторда, айрим масалалар юзасидан ўз фикр мунозараларини ҳам айтиш ўтирди. Бу борада қизгин баҳслар ҳам бўлиб ўтди.

«Хуррият» газетаси бош муҳаррири Хуршид Дўстмухаммад ўртага ташланган масалалардан келиб чиққан ҳолда журналистларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал этишга ёрдам берадиган, лозим бўлса уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин бўлган ташкилот тузишнинг тақдирини айтиди. Бу ўринли мулоқозда кўпчилик журналистлар томонидан маъқулланди.

ТАЯНЧ ВА СУЯНЧ

ёки янги ташкилот давлат ва ёшлар ўртасида кўприк бўлиб қолишига ишонч

«Худо берган болани боқиб, тарбиялаш, юртининг асл фарзанди этиб вояга етказиш, аввало шу заминда яшаётган ота-онани, қолаверса, шу эл тақдирини қўлга ишониб топширилган раҳбарларнинг зиммасига юксак масъулият юклайди».

Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалоқат, ё саодат-ё фалокат масаласидир.

Абдулла АВЛОНИЙ.

Юртбошимиз мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданқо ёшлар масаласига, улар тарбиясига алоҳида эътибор бериб келганлар. Шунинг учун ҳам ўтган кун Тошкентда ёшлар масалаларига бағишланган катта йиғилишда ҳам муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ёшлар масаласи давлат сиёсатининг марказида турганини яна алоҳида таъкидлаб ўтди. Мамлакатимизда маънавий ва жисмоний баркамол авлоднинг, комил инсонни вояга етказиш масаласи аллақачон умумий, умумдавлат миқёсидаги вазифага айланган. Зеро комил инсон гоёси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, унинг маънавий-тарбиявий замири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Хўш бугунги кунда бу муҳим масалага қандай эътибор бермоқдамиз? Президентимиз ўз нутқида айнан мана шу масалани туб моҳиятини очиб берди. «Чуқки юртимизда яшаётган, ўзининг ўғил-қизларининг эртанги кунини ўйлайдиган ҳар бир одам, ҳар бир ота-она барча қилаётган ишларини, аввал, ўрнини босадиган фарзандим учун, зурўдларининг бахту саодати учун деб билади».

Шу ният билан дарахт экади, уй қуради, фарзандига, керак бўлса бутун борлигини бағишлайди. Бола тарбиясини, унинг келажақда ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етиши, камол топишини ўз умрининг мазмуни деб ҳисоблайди». Аслида ҳам халқимизнинг табиати шундай: болажан.

Ардоқли шoirимиз Мухаммад Юсуф айтганидек:

Ўзбекка ўхшатиш топмок муаммо, Ўзшаса ўзига ўхшайди ўзбек. Қийси йўқ унинг мөҳри бир дарё, Дунёда болам деб яшайди ўзбек.

Ҳар қандай жамиятда кишилар муштарак мақсадлар йўлида бирлашадилар ва мана шундай эзгу мақсадларга эришиш орзуси билан яшайдилар. Аста-секин орзу гоёга айланади. Муайян гоё эса муайян шахс томонидан яратилади. Йиғилишда Президентимиз ҳам бугунги кунда ниҳоятда зарур бўлган гоёни-ўта муҳим, долзарб масалани ўртага ташлади. Хўш, бугун ёшларнинг бошини қовуштирадиган, уларнинг муаммоларини ҳал этадиган, соғлом турмуш тарзини яратадиган, олий мақсадлар-Ватан равақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига эришишдек эзгу мақсадлар сари етаклайдиган куч борми? Ҳа, ҳа, етакловчи куч борми?

Тўғри, бундан беш йил муқаддам «Камолот» жамғармасига катта умидлар боғланган эди. Тан олиш керак, «камолотчилар анча арзигулик ишларни ҳам амалга оширдилар. Бундан ҳеч ким кўз юммайди. Аммо юк оғирлик қилдики, «Камолот» жамғармаси ишлари издан чиқди. Ишлар ўлда-жўлда қолди. Ёшлар тарбияси, уларнинг муаммолари билан шу-

ғулланиш ўрнига бозор иқтисодиёти шу экан деб тижорат йўлига кириб кетишди. Қўш-қўш фирмалар очилди... Натижада зиммадаги вазифаларни баҳара олмади.

Лекин Президентимиз таъкидлаганларидек, ёшлар тарбиясида, маънавий-тарбиявий ишларда бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди. Бу давлатимиз раҳбарини ташвишга солиши аниқ эди. Шу боис ҳам Президентимиз Ислом Каримов ёшларнинг бошини қовуштирадиган, уларни ўз бағрига оладиган, ташвишларига шерик бўладиган, руҳини кўтарадиган, муаммоларини биргаликда ҳал этадиган, ёшларга ҳар бир ишда таянч ва суюнч бўладиган ташкилот тузиш гоёсини илгари сурди. Бу ташкилот «Камолот» номини сақлаб қолиш билан бирга, иш юритиш услуби бутунлай бошқача бўлган ташкилотдир. Давлатимиз раҳбари янги ташкилотни ёшларнинг ижтимоий ҳаракати шаклида қуришни орзу қилди. Бу ташкилот ёшларимизнинг эзгу ишларига етакловчи ҳақиқий куч бўлиб қолиши керак. Бу янги ташкилот — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вазифалари эса гоёт масъулиятлидир. Давлатимиз раҳбари айтганларидек, унинг асосий вазифаси-ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносабатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдан иборат. Ёшларни турли оқимлар «мафқураси»дан сақлаш, Ватанга, ўз халқига, ўз Президентига садоқат руҳида тарбиялаш, иқтидорли болаларни танлаш, табиатдан етакчи бўлиб туғилган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамоатчиликка таништириш, ҳайратанқоқ қилиш, касб-хунарга йўналтириш, чет элларга ўқишга юбориш, турли ёт илталардан, айниқса тийёрлаш каби қатор муҳим масалалар ҳам янги ташкилот вазифалари сирасига кирди, албатта.

Ҳа, ёшларга қўрсатиладиган гамхўрлик амалда бўлиши керак. Ёшларга биринчи навбатда нима керак? Президентимиз таъбири билан айтганда, «Эътибор керак. Бу эътиборни ташкил қилишда адолат устувор бўлиши лозим. Ёшларнинг ўзи мана шу ҳаракатга бериладиган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланишда адолат мезонига риоя қилинишини таъминлаш зарур».

Бу ҳақ гап. Бугунги ҳаётимизда шундай ташкилот зарур. Бу давр, ҳаёт, тараққиёт тақозоси. Яна энг муҳими адолат...

Шу ўринда ёшларимизга ҳам қарата шундай дегинг келади: ёшлик-довроқлик фасли. Ёшлик ҳамиша фидойилиқдир. Айниса, ғайритабиий нарсаларга иштиёқ қилиб бўлган ёшлик палласида киши жасоратга интилади, қалби доимо ҳаммага ва ҳамма нарсага очик бўлади. «Камолот» эса ана шу очик қалбларга эзгулик чўғини солиши, уларни нурли келажақ сари олтиратиб бериши лозим.

Зеро шoir айтганидек, Инсон яхши хислат билан инсондир, Яхши хислат унга бағишлар чирой. Қалбининг ҳақиқат чўғида ёндир, Эл ташвиши юрагингдан олсин жой. Тўхтамурад ТОШЕВ.

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси — муҳокамада

«ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ ҚУРОЛИ ҲАМ, ҲИМОЯСИ ҲАМ, КЎЗИ ҲАМ, СЎЗИ ҲАМ ҚОНУНДИР»

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу оламшумул ҳақиқатни биз айтиш пайтда чин дилдан англаймиз. Мамлакатимиз йил сайин равнақ топиб, гуллаб-яшнаб бормоқда. Мустақил юртимиз тенглар ичра тенг, хурлар ичра хур бир дийр бўлиб дунёга танилмоқда. Эришган ютуқларимиз салмоқли. Олдинда эса ҳали қилинадиган ишлар кўп. Юртимизнинг бугунги ривожига мамлакатимиз парламенти томонидан қабул қилиниб, изчил амалга оширилаётган қонунларимизнинг ўрни беқийс, Олий Мажлиснинг II чақириқ 4-сессиясида «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Биз қонун лойиҳаси ҳақидаги кенг жамоатчиликнинг фикрини газетамиз саҳифаларида изчил ёритиб борамиз. Қуйида лойиҳа муҳокамасига бағишланган илк мақолани газетхонлар эътиборига ҳавола этаёғимиз.



Давлатимизнинг қонун чикарувчи олий органи — Олий Мажлис, давлат ҳокимиятининг яна бир тармоғини ифода этувчи Конституциявий суд, бундан суд идоралари, шу жумладан фуқаролик ва ҳўжалик судлари фаолияти қайтадан тuzилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруш органилари ва фуқароларнинг кенгайтирилди. Адвокатура, солиқ ва божхона идоралари қайтадан ташкил этилиб, уларнинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди.

Бозор иқтисодиётига ўтишни ҳуқуқий асослари яратилди. Мулкчилик, ер, тадбиркорлик, деҳқон-фермерлар, банклар тўғрисидаги ва бошқа қонунларнинг қабул қилиниши фикримиз далилидир. Инсон ҳуқуқлари бўйича қонунлар ва институтлар тизими яратилди. Қонунларнинг аксарияти бевосита фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларни кафолатлашга қаратилди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари оид 40 дан ортиқ халқаро шартномага қўшилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман), Парламент қошидаги амалдаги қонунчилик мониторингини институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ таъсис этилди.

Маънавиятимизни асраб-авайлашга қаратилган бир қанча қонунлар ҳам қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг 300 дан ортиқ янги қонун, 14 та Кодекси қабул қилиниб, амалиётга жорий этилди. Фуқаролик, маъмурий, меҳнат, оила, уй-жой, жиноят кодекслари, фуқаролик, ҳўжалик, жиноят процессуал кодексларисиз бугун ҳуқуқ тизимини тасаввур этиш қийин.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, «...эришган ютуқларимизнинг, бугун қаёқтан тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизига Конституциямиз белгилаб, муҳрлаб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётимизга тадбир қилишимизга мужасамдир».

Давлатимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган Конституциямизда қонун устуворлигини таъминлашдек масъулиятни вазифа прокуратура идоралари зиммасига юклаган.

Конституциянинг XIV боби прокуратурага бағишланб, унинг 118-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратура ва унга бўйсунувчи прокуратура амалга оширади, деб мустаҳкамлаб қўйилган».

Конституциямиз қабул қилинган куннинг эртасига, яъни 1992 йилнинг 9 декабрь куни «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун ҳам қабул қилинган эди. Прокуратура идоралари Конституциямиз асосида мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар, Республика Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросининг назоратини асосий вазифаси деб ҳисоблайди. Бугун прокуратура ҳуқуқ посбони, қонун ҳимоячиси сифатида халқ манфаатлари учун қабул қилинган қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга сафарбар этилган даргоҳга айланди. Прокуратуранинг серқирра фаолиятини ташкил этиш ва қонун устуворлигини таъминлаш услублари, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш ва терговни олиб бориш жараёнлари ҳақидаги қонун нормаларини кўриб, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишимизга ишонч ортати. Прокуратура идоралари Президентимизнинг илк Фармонлари, ҳуқуқат қарорлари бажарилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга биринчилардан бўлиб бел боғлади. Хусусий мулкчиликнинг жорий этилиши, мулкчилик шакллари-нинг тенглигини эътироф этилиши, кичик ва қўшма корхоналарнинг барпо қилиниши, деҳқон-фермер ҳўжалиқларининг ривожига ҳуқуқий йўл очилиши, миллий сўғимизнинг муомаласига киритилиши, қўйишчи иқтисодий ислохотлар билан тепла-теп, баҳам-жиҳат қадам ташлаб келаяпти.

Аҳолини зарур озиқ-овқат (Давоми 2-бетда).

«ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ ҚУРОЛИ ҲАМ, ҲИМОЯСИ ҲАМ, КЎЗИ ҲАМ, СЎЗИ ҲАМ ҚОНУНДИР»

(Боши 1-бетда).

Фуқароларнинг муножа- атларига ҳам алоҳида эъти- бор қаратилиб, 30 мингдан зиёд ариза ва шикоятлар қўриб чиқилиб, ҳал қилин- ди. Бунда инсон манфаат- лари, уларнинг қонуний ҳимояси прокурорларнинг доимий диққат-эътиборида бўлмоқда.

Жинойтчилик ва қонун- бузарликларнинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий онгини оширишга қаратил- ган 55 мингга яқин тадбир- лар ўтказилди. Асосий эътибор фуқароларимиз- нинг, айниқса, ёшларнинг, диний экстремистик оқим- лар таъсирига тушиб қолшларининг олдини олиш, бунга йўл қўймаслик каби долзарб масалаларга қаратилди. Бу борада про- курорлар ҳар бир жамоа, ҳар бир маҳалла аҳли билан бевосита уршуларнинг ўтказиб, зарур тушунтириш ишлари олиб боришлар.

Прокурорлик назорати- нинг бошқа йўналишлари- да ҳам муайян ишлар амал- га оширилди. Ижтимоий ҳаётда рўй бераётган жараёнлар, шу жумладан қонунийликни таъминлаш, жиноятчилик, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашни ташкил этиш ва уларнинг олдини олиш ишлари ҳуқуқий муҳофазат қилувчи органлар фаолиятининг самардорлигини янада оши- ришни тақозо этмоқда.

Қайд этилган ривожла- ниш жараёнлари ва ўзга- ришлар прокуратура идо- раларига ҳам бевосита та- алуқли бўлиб, уларнинг фаолиятини янада тақомил- лаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шу боис Конституцияда кўзда тутилган қонунийлик ташаб- буси ҳуқуқидан фойдалана- ниб, «Прокуратура тўғриси- да» Қонуннинг янги тах- рирдаги лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланиб, умум- халқ муҳофазатига ҳавола этилди.

«Прокуратура тўғриси- да» амалдаги Қонун билан унинг янги тахририда қандай фарқлари бор, де- ган савол туғилиши таби- ий. Киритилган ўзгариш- ларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчиси, янги норма- ларни амалга киритиш билан боғлиқ бўлса, иккин- чиси қонун нормаларини амалдаги қонунийликка му- вофиқлаштириш, учинчиси эса – қонун моддалари ва тузилмасини тахририй жи- хатдан қайта қўриб чиқиш- га тааллуқлидир.

Ўзгаришларнинг бирин- чи гуруҳи туркумида Ко-

нунга 8 та янги моддалар киритилишининг ҳам ўзига хос изоҳлари бор. Даставада Қонун лойиҳа- сининг 1-моддаси «Проку- ратура» деб номланиб, про- куратура идораларининг ҳуқуқий мақоми аниқ ифода этилди. Унга қўра «Проку- ратура – ягона марказлашти- рилган тизимга эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республи- каси ҳудудда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарили- ши устидан назоратни амал- га оширадиган давлат орга- ни» экани мустақамлаб кўйилмоқда.

Қонун лойиҳасининг 7- моддаси прокуратура органларининг жамоатчи- лик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкор- лигига бағишланди. Бунда Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган «Кучли дав- латдан кучли жамоат сари» деган ғоя ўз аксини топди.

Амалдаги прокуратура органлари қонунийликни таъминлаш, жиноятчилик- ка қарши кураш борасидаги ўз фаолиятини ошқорлаш та- мойиллари асосида, кенг жа- моатчиликка таянган ҳолда олиб бормоқда.

Бу бежиз эмас, чунки про- куратура органларининг олий мақсади – халқимизга хизмат қилиш, фуқароларнинг ҳа- қуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат бўлиб, бу фаолият жа- моатчилик назаридан четда турмаслиги, шубҳасиз, ижо- бий самара беради.

Мазкур моддага жамоатчи- ликни қонунийлик ва жиноят- чилик ҳолатидан мунтазам ҳа- бардор қилиб бориш, омма- вий ахборот воситалари ва- киллари билан уршулар ўтказиш ва улар орқали ўз фаолиятини ёритиш, депутат- лар ва оммавий ахборот вос- италарининг ёзма муножаат- ларига ахборот тақдим этиш- лиги ҳақидаги вазифалар ки- ритилди. Бу – амалий зару- ридадан келиб чиқиб, қунда- лик ишимизни ташкил этиш- ни яхшилашга қаратилган та- қлиф ҳисобланади.

Шунингдек, прокурорлик назоратининг энг долзарб ма- салалари муҳофазат қилина- диган ҳаёт таъминлаш ва му- вофиқлаштирувчи кенгаш йи- гишлирига жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллариининг иштирок этишлари мумкинлиги алоҳи- да кўрсатиб ўтилди.

Юқоридаги ҳолатларнинг Қонунда мустақамлаб кўйи- лиши ишларнинг самара- сини ва ҳодимлар масъули- яти янада оширишга умид қиламиз.

Лойиҳанинг 10-моддаси «Қонунийликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлашти- риш» деб аталди.

Ижтимоий ҳаётда рўй бе- раётган жараёнларни, шу жумладан қонунийликни таъ- минлаш, жиноятчиликка қар- ши кураш ва унинг олдини олиш ишларини алоҳида аж- ратиб олинган ҳолда тасав-

вур этиш қийин. Уларнинг очими кўпинча вазирликлар, идора, корхона, муассаса, ташкилотлар, шунингдек, ҳуқуқий муҳофазат қилувчи идораларнинг фаолиятига, про- куратура ҳамкорлиқдаги иш- ларига боғлиқдир. Шу боис қонунийликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлашти- риш бориш прокуратура идо- ралари зиммасида бўлиб, катта самара беради.

Утган йилнинг ўзига ўнлаб долзарб масалалар юзасидан мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишлари ўтказилиб, те- гишли тадбирлар ишлаб чи- қилди ва уларнинг ижроси таъминланди.

Жумладан, прокуратура идоралари томонидан жао- ни ўтаб, озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшаб қайтган фуқароларнинг иж- тимоий ҳимоя қилиниши аҳо- ли Ички ишлар вазирлиги ва маҳаллий ҳокимликлар қо- ши- лари ижтимоий кўликма мар- казларида тегишли қилган ва бунда бир қанча муаммо- лар аниқланган эди. Мазкур фуқароларнинг ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш, уларни ишга жойлаштириш ва ижти- мий жиҳатдан ёрдам бериш- ни яхшилаш мақсадида, 2000 йил декабрь ойида Респуб- лика ҳуқуқий муҳофазат қилу- чи органларининг Мувофиқ- лаштирувчи Кенгаши йиғили- ши ўтказилди. Бу масаланинг муҳофазат қилинишига қўра ҳам- корлиқдаги вазифалар белги- лаб олинди.

Юқоридаги каби мувофиқ- лаштириш ишларининг самара- сини ҳисобга олган ҳолда, мазкур фаолият алоҳида мод- да сифатида Қонунга кирити- лаяпти. Унга қўра Республи- ка Бош прокурори ва куйи прокурорлар тегишли ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, солиқ, боғжона ва бошқа органларнинг қонуний- лигини таъминлаш ва жиноят- чиликка қарши кураш бора- сидаги фаолиятини мувофиқ- лаштириш кўзда тутилди. Бу ўз навбатида прокуратура идораларига жуда масъули- ят вазифа қўлади ҳамда мазкур идоралар ўртасида ҳа- мкорчиликни таъминлайди.

Лойиҳанинг 20-модда- си тегишли тақозоларни қонун- лар билан қўриқиб бера- ди. Чунки прокуратура идо- ралари ўзларига юқулатилган назорат қилиш вазифалари- ни, асосан, тегишли ишлар ўтказиш орқали амалга оши- ради.

Маълумки, кейинги пайт- ларда кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлар, умуман ҳужа- лий юртувчи субъектлар фа- олиятини тегишли бирмун- ча тартибга солинди.

Ҳужалик юртувчи субъектлар, шу жумладан ки- чик ва ўрта бизнес, деҳқон- фермерлар фаолиятига асо- сиз аралашиб қеч қўйиш си- зинг барча таъсирчан чора- лари қўлланолмоқда. Назорат қилувчи органлар фаолияти- ни мувофиқлаштирувчи Рес- публика кенгаши ва унинг

жойлардаги комиссияларига амалий-ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилиши ва назоратнинг кучайтирилиши натижасида бундай ҳолатларнинг кескин камайишига эришилди. Про- куратура идоралари бу йўна- лишда муайян ишларни да- воар эътирмоқда.

Мухими, прокуратура идо- ралари Қонуннинг бу талаби бажарилишини бошқа назорат қилувчи органлардан та- лаб қилиш билан бирга, бун- га ўзлари ҳам қатъий риоя қилмоқда.

Прокурорлик назоратининг яқиний босқичларида аниқ- ланган ҳолатларга қараб те- гишли таъсир чоралари қўлланади. Бунга аниқ ифо- да этиш мақсадида Қонун лойиҳасининг 31-моддасида прокурор назорати ҳужжат- ларининг турлари санаб ўтилмоқда.

Бунинг боиси шундаки, амалдаги Қонунда мазкур ма- сала бир неча боб ва модда- ларда тарқок ҳолда ифода этилиб, тушунмовчиликка сабаб бўлаётган эди. Лойи- хага бу янгилик кирити- лишидан мақсад прокурорлар ўз фаолиятини амалга оши- риш чоғида қўллайдиган тақ- димнома, амринома, огоҳнома, қарор ва аризаларнинг сифа- ти ва таъсирчанлиги янада юқори бўлишига эришишдир. Прокурор назорати ҳужжатла- ри қонунбузилиш ҳолатлари тўлиқ бартараф этилишини таъминлашга хизмат қилиши асосий мезон ҳисобланади.

Қонун лойиҳасининг 35- моддаси прокурорлик на- зорати ҳужжатларининг бири ҳисобланган, амалиёт- да кенг ва самарали қўлланган келинаётган ари- заларга бағишланди. Бу муҳим назорат ҳужжатига ту- шунча бериш билан бир қаторда, унинг фуқаролар ва юридик шахсларнинг манфа- атларини қўлаб сулдарга ки- ритилиши ҳоҳишда ҳам самара бераётганлигини эътироф этишдир. Утган йилнинг ўзи- да прокурорлар томонидан сулдарга 16,5 мингга ариза киритилганлиги фикримиз- ning далилидир.

Давлатимиз мустақиллиги- ни ва фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини турли ноқо- нуний тақозолардан ҳимоя қилиб келаятган прокуратура органлари ҳодимларининг ўзлари ҳамда уларнинг оила аъзолари ҳам, албатта, дав- лат муҳофазатига муҳтождир. Шу боис Қонунга алоҳида, 42-модда киритилишига зарурат пайдо бўлди. Унда прокуратура органлари ҳо- димлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари кўзда тутилмоқда.

Бу дегани мутлақ қўшим- ча имтиёз ёки энгилликлар талаб қилиш эмас. Қўзда ту- тайётган янгиликлар «Суд- лар тўғрисида»ги Қонунда су- дыяларга берилган ижтимоий ҳимоя чораларига мувофиқ- лаштирилади.

Қонун лойиҳасининг сўнги, 47-моддасида «про-

курор» атамасига изоҳ берилган. Бу билан проку- ратура идораларида хизмат қилаётган прокурорлар, уларнинг ёрдамчилари, бўлим ва бошқарма бош- қаруви, уларнинг ўринбо- сарлари ваколатлари дои- раси аниқ белгиланди.

Иккинчи гуруҳ ўзга- ришлари ҳақида сўз бо- рар экан, амалдаги Қонун- нинг 41-моддаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунга муво- фиқ таъминлаш қиқариб ташланаётганлигини таъ- қидлаш жоиз. Унда айрим прокурорларга жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқи бе- рилган эди. Бу ваколатлар- дан воз кечишлик судлар- нинг мустақиллигини эъти- роф этиш билан бирга, қонунни республикамизда амалга ошириладиган суд- ҳуқуқ тизимидаги ислохот- ларга мослаштириш ҳам- дид.

Бошқа қатор моддалар ҳам амалдаги қонун ва ко- дексларга мувофиқлашти- рилди.

Учинчи гуруҳ ўзга- риш- ларига изоҳ беришда қонун- нинг асосий мазмуни ва мақсади сақлаб қолинган ҳолда, бир-бирини тақро- лайдиган, ҳуқуқий ислохот- лардан орта қолган мод- далар ва сулдарни қиқариш ҳисобига Қонуннинг ижам- лаштирилганини айтиш зар- рур. Амалдаги Қонун 56 моддадан иборат бўлса, янги тахрирда у 47 модда- да ўз ифодасини топмоқда.

Шубҳасиз, ислохотлар шароитида давлат ўзининг адолатли қонунлари, улар- ни ижро этувчи механизм ва назоратни таъминловчи воситаларни демократик ра- йонлар асосида тақомил- лаштириб боради. Бу эса тартиқнинг асосий қону- нийликларидан биридир.

Уйлаймики, прокуратура идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асоси ҳисобланган бу муҳим ҳужжат мамлака- тимизда қонун устуворлиги- ни қарор топтиришга, ҳуқуқ- тартибни мустақамлашга, фуқароларнинг консти- туциявий ҳуқуқ ва эркинлик- ларини ҳамда давлатимиз мустақиллигини қайтариш- ни тақозолардан муҳофа- за қилишни таъминлашга хизмат қилади.

Гап назорат ҳақида борар экан, мақсадимиз – қонун- ларнинг ҳамма томонидан бир хилда ва аниқ бажари- лишини таъминлашдир. Зеро, Юрбосимиз таъби- ри билан айтганда, «Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонун- дир».

Рашид ҚОДИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, 1 даражали Давлат адлия маслаҳатчиси.

Янги аср вазифалари

ИҚТИСОДИЙ ҲАВФСИЗЛИК- МУСТАҚИЛЛИК КАФОЛАТИ

Мустақил, эркин, озод мамлакат барпо этиш- нинг ўзига хос шартлари бор. Ана шулардан бири ва энг асосийси, Ватан сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашдир. Бунинг учун чегараларни мустақ- кам қўриқиб, ердан ёки осмондан келиши мумкин бўлган хавф-хатарни бартараф эта оладиган жан- говар армияни шакллантириш лозим бўлади.

Шу туйғай ҳам Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки вақтлари- данок ҳарбий техникаси мукамал, замонавий, ас- кар ва зобитлари билимли, юртига садоқатли, қўрқмас, ботир, доворак бўлган қуроли Қуларни бунёд этишга алоҳида эътибори қаратилар.



Носир МИХАЙЛОВ, подполковник.

Чунки ҳар томонлама тақомиллашган, куд- ратли армияни барпо этиш учун эса, би- ринчи навбатда халқ ҳўжалигида барқарор- ликни таъминлаш, муттасил олга ривожла- нишга эришиш мумкин. Бунинг учун ал- батта иқтисодий ҳавфсизликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон тақрибасидан маълумки, иқтисо- дий ҳавфсизликни таъминлаш-мустақиллик кафолати ҳисобланади. Ана шунда ҳар қан- да мамлакат ҳар томонлама тараққий эт- ган буюк давлатга айлиши мумкин. Шу сабабли ҳам ҳозир Ўзбекистонда бу соҳа- энг муҳим, устувор йўналишлардан бири бўлиб турибди.

Иқтисодий мустақилликнинг муҳим тар- қибий қисмларидан бири-миллий иқтисо- дийнинг бир текис ривожланиб боришидир. Шу сабабли ҳам мустақиллигимизнинг даст- лабки даврларидан бошлабқок юртимизда ту- раб масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Уша пайларда мустақил Ўзбекистонга собиқ иттифоқдан нима мерос бўлиб қол- ган бир эслаб қўрайлик. Саноат унча ри- воқланмаган. Мамлакат фақат хом ашё тай- ярлаб беради, уни эса бошқа жойларда қай- та ишлашарди. Ёнилик, дон маҳсулотлари четдан келтирилларди. Ваҳоланки, ёнилик ре- сурслари ўзимизда сероб, соҳаватли ери- миз эса, аҳолини бемалол нон ва нон маҳ- сулотлари билан таъминлаш имкониятига эга эди.

Ана шу қамчиликларни бартараф этиш, Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини ри- воқлантириш борасида Президентимиз Ислам Каримов бошчилигида катта бунёдқор- лик ишларига қўл урилди. Ривожланишнинг «ўзбек модели» ишлаб чиқилиб, ҳаётга тад- бик этилди ва этилмоқда.

Ҳозир тарихан қисқа муддатда босиб ўтган йўлимизга, эришган ютуқларимизга на- зар ташлайдиган бўлсак, улар асрларга та- туғилигини ҳис этиш қийин эмас. Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилган иқтисодий ислохотларни яна- да чуқурлаштириш ва уларнинг самардор- ларини оширишда Вазирлар Маҳкамаси Уму- мийликнинг мажмуасининг масъулияти кат- та. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислохотлар ва ин- вестиялар бўйича идораларор ўзаро му- вофиқлаштирувчи кенгашининг 11 январь куни бўлиб ўтган йиғилишида асосий эътибор ма- зкур комплекс ишнинг аниқ мақсадларга йўналтириш ва самардорлигини янада оши- риш борасидаги чора-тадбирларга қаратил- гани ҳам бежиз эмас.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида кейинги йилларда мамлакатимизда макроиктисодий ва молиявий барқарорликка эришилгани, халқ ҳўжалигида тарқибий ўзгаришлар дасту- ри ҳаётга самарали тадбик этилаётгани, нефт-газ, тоғ-қон, озиқ-овқат, энгил саноат ва машинасозлик соҳаотида ишлаб чиқариш- ни янгилаш ва техник қайта жиҳозлаш тад- бирлари амалга оширилганлигини таъкид- лади: «Бир сўз билан айтганда, иқтисодиёт- тимизни янада барқарор ва изчил ривож- лантириш учун зарур шарт-шароит ва муста- ҳкам пойдевор яратилмоқда», деди Ислам Каримов.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ис- лохотлар жамият аъзоларини қўпчилигининг

тафаккури, дунёқароши, ҳаётга бўлган му- носабатларига ҳам ижобий таъсир кўрсат- моқда. Бирок Президентимиз таъкидлагани- дек, «Утган даврда янги иқтисодий меха- низмлар шакллантирилаётган бир пайтда аҳолининг қўпчилиги бозор шароитида яшанин эңдигани урганаётганлигини да- унинг объектив қонунларини пайқай бошла- ганлигидан фойдаланиб, амалга оширилаёт- ган иқтисодий жиноятлар тўғрисида катта хавф туғдиради».

Мана шундай жиноятлар ёки кўп ҳоллар- да «хуфёна» деб аталаётган иқтисодий ми- нқисларнинг ўсиши мамлакат иқтисодий ҳав- фсизлигига таҳлил солиши мумкин бўлган омилардан биридир. «Хуфёна иқтисодиёт»- нинг маъжудлиги ва унинг таъсир доираси- нинг кенгайиши иқтисодиётга, умуман жа- миятга иқтисодий зарар келтириши билан бирга жамиятнинг маанавий ахлоқий асо- рларга путур этказди.

Утиш даврида бу масаланинг янада дол- зарблиги иқтисодий ҳавфсизлик муаммолари- нинг ҳар томонлама урганиши, бу соҳада илмий изланишларни чуқур ва кенг қўлама- давом эттириши, иқтисодиётга таҳлил со- лиши мумкин бўлган хавфларнинг олдини олишнинг илмий асосланган чора-тадбир- ларини ишлаб чиқишни кўн тартибга қўйди. Бундан ташқари, иқтисодий ҳавфсизликни таъминлаш ижтимоий, иқтисодий самара- дорлигини баҳолаш мезонинда кўрсаткичлар- ни аниқлаш иқтисодиёт фани олдида турган долзарб масалалардан бўлиб ҳисобланади.

Зеро, юқорида қайд этилган муаммолар ечимини топиш учун катта ва чуқур билим ва илмга эга бўлган, иқтисодиётнинг барча назарий, амалий жиҳатларини тадқиқ қила оладиган етук мухтаassis кадрлар бўлиши керак. Яна шунга таъкидлаш зарурки, шу дав- ргача иқтисодий ҳавфсизлик борасида йи- рик монография аниқсиз давлат тилида, дарслик ва ўқув қўламама чоп этилмаган.

Шу соҳада яна бир муаммога тўхталиб ўтиш ўринлидир. У ҳам бўлса, ҳавфсизлик масалаларини урганиш ва таҳлил этиш ҳамда илмий тадқиқотлар ва изланишлар олиб бориш учун зарурий ахборотлар му- аммосидир. Бу борадаги ҳал этилганган ма- салалар, хусусан иқтисодий омилар жо- хияти, аҳамияти, мазмуни ва унинг бошқа жиҳатларини кенг оммага тушунтириб бе- ришга ҳалқат қилади. Шу сабабли бу бо- радаги ахборот танқислигига барҳам бериш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

Бу ишларнинг ибтидои сифатида кенг ўқувчилар оммаси учун, жумладан иқтисо- дий ҳавфсизлик масалалари билан шуғул- ланувчи турли даражада бошқарув идо- ралари ҳодимлари, профессор-ўқитувчлар, аспирантлар ва иқтисодий олий ўқув юр- тларининг талабалари учун иқтисодий ҳавф- сизлик асосларига бағишланган дарслик ва ўқув қўламмаларини яратиш вақти ҳам етди, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб шунга айтиш лозимки, бу соҳада кенг қамровли илмий-тадқиқот иш- лари олиб борилиши тараққийнинг турли босқичларида давлатимизнинг миллий иқти- содий ҳавфсизлигига таҳлил солувчи хавф- ларни урганиш ва уларнинг олдини олиш ҳамда мустақил мамлакатимиз иқтисодиёт- нинг янада улкан омилар билан ривож- ланишини таъминлаш учун қўшилган ҳисса- си бўлади.

Носир МИХАЙЛОВ, подполковник.

Марафон МУРУВВАТДАН ЯШАРГАЙ ДИЛЛАР

Самарқандда «Оналар ва болалар йили» муноса- бати билан хайрия марафонини бошланди. Унда ви- лоятнинг барча шаҳар ва туманлари, корхона ва таш- килотлар, банклар, савдо уйлари, шахсий фирма- лар, маҳаллалару гузарлар фаол иштирок этишмоқ- да.

Ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлашга қар- атилган тадбир ўтган йили «Соғлом авлод учун» ши- ори остида ўтказилган эди. Ундан тушган 60 миллион сўмликдан зиёд маблағ халқ

эканликларидан яққол дало- лат бермоқда. Оналар ва болалар саломатлигини тиклаш, эҳтиёжманд оила- ларга қўмақлашни, жамият- да соғлом ривожланиш кур- такларини пайдо қилиш мақсадидаги хайрия тадби- риде Самарқанддаги сав- рета фабрикаси, «Самқў- ча» қўшма корхонаси, «Су- пер Орион» фирмаси, вило- ят «Автоўй» бирлашмаси жамоалари салмоқли ушу- лари билан иштирок этмоқ- далар.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, «Адолат»нинг ўз мухбири.

Партия ахбороти ЁШЛАР КЕНГАШИ

Ёшлар катта куч. Бугунги кунда уларга алоҳида ишонч ва эътибор билан қаралмоқда. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда тугган ўрни ҳам шун- га монанд ортб бормоқда. Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси Дастурида партиянинг ёшларга доир сиёсати аниқ-таниқ белгилаб берил- ган. Бу вазифаларни изчил амалга ошириш, ёшлар орасига кенгрок кириб бориши учун партиянинг ёшлар Кенгашини тузиш мақсадага мувофиқ деб топилган эди. 19 январь куни шу масалага бағиш- лаб партия ёш фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг ёшлар Кенгаши тузилди.

Ёшлар Кенгашининг раиси этиб партия Сиёсий Кенгашининг аъзоси Низомиддин Нурматов, раис ўринбосари этиб Сиёсий Кенгаш аъзоси Рустам Аҳмадалиев ва 1-Ташкент Давлат тиббиёт институти аспи- ранти Шўхрат Қудратовлар сайланди. Ис- кандар Азизов, Шаҳзода Исаинова, Хуршид Фанон, Қўбиля Сагатов, Амрхон Ёқубоновлар эса ёшлар Кенгашининг аъзолари этиб сайландилар. Бу Кенгаш ёшлар фаолиятини йўналтириш ва муво- фиқлаштириш масалалари билан шуғул- ланади.

– Шу кунгача партияимизнинг ёшлар ора-


сида олиб борган ишлари анча сусат эди, – деди йи- гилишни бошқарган Ўзе- бекстон «Адолат» социал-де- мократик партияси Сиёсий Кенгаши котиби Равадан Ҳайдаров. – Талаба тўла жавоб бермасди. Шу са- бабли энди бу ишларни жонлантириш лозим. Жум- ладан, миллий истиқлол ғояси, ақидапарастлик ва турли нохуш оқимларга қарши кураш, Ўзбекистон Конституцияси- нинг моҳиятини ёшлар қалбига кенгрок сингдириш, ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан партиявий ишларни ҳар қачонгидан ҳам кучайтириш зарур. Бу борада ёшлар Кенгаши муҳим ишларни олиб боради.

Кенгашдан умимийдиз катта. Унга алоҳи- да ишонч билан қараямиз. Ҳеч шубҳа йўқки, Кенгаш келажакда ёшларимизнинг мустақам канотига айланади.

Гулнора РАХИМОВА, Ҳазратилло РЎЗИЕВ, «Адолат» мухбирлари.

Савоб ишни ҳар ким ҳар қуни қилиши керак

«Аска дон маҳсулотлари» очик акционерлик жа- мияти раиси Маҳкам Аҳмедов турдош корхоналар- дан келган меҳмонларни кузатиб қолар экан улар- нинг ҳайрат ила «Сизларда ўрганса аризулигил иш- лар кўп экан» деган гапларини ҳаёйдан ўтказиб, яйраб кетди. Уларни учун одатдаги ҳолга айлиниб қолган иш мароми келганларда шунчалик ёрқин та- ассурут қолдиришни ҳеч ким кутмаганди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бу орқали ишчи-хиз- матчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга бўлган ало- ҳида эътиборни қўриб меҳмонлар мамнун бўлиш- ди. Корхона жамоасининг фаолияти уларда чин дил- дан ҳавас уйғотганди. Уларларда ҳам шундай иш йўсинларини жорий этишни кўнгилларига тугиб қўйишди.



ЕТТИ ИКЛИМ САДОСИ

Ҳокимият алмашганда

БИЛЛ КЛИНТОН КИМ ВА У АҚШ ХАЛҚИДА ҚАНДАЙ ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ?

Бундан роппа-роса олти кун олдин, яъни 20 январда АҚШнинг 42-президенти Билл Клинтон Оқ уйни ўзининг вориси бўлган Жорж Бушга бўшатиб берди

Кўпчи инсон амалидан айрилгач, унинг ҳақида ҳар хил гаплар тарқалади. Фазилату нуқсонлари баралла айтила бошланади. Клинтоннинг 8 йил мобайнида қилган ишлари ҳақида сийбасчилар бор овоз билан гапиришмоқда.

Оддий фуқароларнинг гапларига қараганда у хануз хурмат-этиборга лойиқ. Агар у учинчи мартаба президентликка номзодини қўйиш имкониятига эга бўлганда яна президент бўлиши мумкин эди. Чунки Клинтон оддий кишиларга яқин одам. Яъни халқ ичидан чиққан. Мазлумларга қараганда, Билл ичкиликхўр ўғай қўлида усиб-ўлғайган. ОНАСИ ЭСА БЕШ МАРТАБА ЭРГА ТЕККАН. Демак, Клинтон оддий одамлар тоифасидан чиқиб, Оқ уйга эга бўлган ягона кишидир. Шунинг учун ҳам у доимо Америка халқига содиқ бўлди.



Президентга берилган энг кўп миқдордаги нафақадир. Билл Клинтон нима бўлганда ҳам қонуний равишда ўз ўрнини Жорж Бушга бўшатиб берди. У ҳақдаги гап-сўзлар қанчалик тўғри ёки нотўғри бўлмасин у тарихга АҚШда икки муддат президент бўлган инсон сифатида қиради.

Очигини айтиш керакки, Билл Клинтоннинг қобилиятли инсон эканлигини ҳеч ким инкор этмапти. Уларнинг фикрича, собиқ президент одамлар ва жамоатчилик билан мулоқотда яхши таассурот қолдира олиши, конгрессда ўз нуқтаи назарини ўткази олиши, энг асосийси ўзига қарши уюштирилган вазиятларда «судан қуруқ чиқа олиш» қобилияти ноёбдир. Шу билан бирга Билл Клинтон ҳақида салбий фикрлар ҳам кўпайиб қолди. Масалан, доимо унга дўстона муносабатда бўлиб келган «Вашингтон пост» газетасида чоп этилган «Клинтоннинг президенти» сарлавхали тахририят мақоласида қайд этилишича, «Клинтон доимо тугма қобилиятли сийбасчи бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. У ўзидаги фазилатни америкаликлар ҳаётини тубдан яхшилашга сарфламади...» Унинг тарафдорлари шундай фикрларни айтганда мухолифларига гап йўқ. «Вашингтон пост» газетасининг ёзишича, Клинтон Бушга «ожишлик меросини» қолдирапти. Чунки дунё ҳамжамияти энди АҚШнинг ҳарбий кучидан қўрқмай қолди. Бу энди, профессионал сийбасчиларнинг фикрлари. Аммо америкалик кўплай



БУГУНГИ МИСР. Сувайш канали қирғоғи.

Ҳар тўғрида

ҚОРА ИКРА ҚОРА КУРСИГА ЕТАКЛАДИ

Америка Қўшма Штатларнинг Лос-Анжелес шаҳар суди шу шаҳарда истиқомат қилувчи русийзабон аёл Елена Воронинани Россиядан АҚШга контрабанда йўли билан 25 килограмм қора икрани олиб ўтишда айбдор деб топди. Қонунбузар беш йилга озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

ШАРИАТ СУДИНИНГ ҲУКМИ

Нигериянинг шимолидаги шариат суди бир аёлни юз дарра уришга чиқарган ҳукми ижро этилди. Мазлум бўлишига аёл турмушга чиқмасдан олдин зино билан шугулланган экан.

Аслида ҳукм бундан бир йил олдин чиқарилган, Лекин аёлнинг кўзи ёригунча унинг ижроси тўхтатиб турилган экан.

ЎҒРИНИНГ БЎЙНИДА ЕРЛИК

Кемероводаги гишт заводининг директори корхонада ўғрилари жазолашнинг «хитойча усули»ни қўллаб бошлади. Унинг фармойишига қўра, ким ўғирлик билан қўлга тушса, унга жазонинг икки усули тақлиф этилади. Яъни, қонунбузар ё ишдан кетиши ё бир кун эрталабдан кенгача заводга кириш жойида бўйнига «Мен - ўғриман», «Ташмачиман» деган ёрлик осылган ҳолда туриши лозим.

Яқинда ўғрилик қилиб ўшланган уч киши ишдан кетишдан қўра иккинчи жазони танлашди. Шунинг қайди этиш керакки, бундай воқеа бир неча бор такрорланган, корхонада ўғрилик ва ташмачилик кескин қаммайди.

ҚАЙСИ АСРДА ТУФИЛГАНИНИ АНИҚЛАШОЛМАДИ

Тюмен вилоятининг Сухой Лог шаҳрида яшовчи 24 ёшли Наталья Чебикина маҳаллий ЗАГС ходимларини қийин ахволга солиб қўйди. Гап шундаки, у қизига ҳужжат олиш учун қолганда курсатган гувоҳномасига чақалоқ туғилган вақти 2001 йил, 1 январь 00 соат, 00 минут, деб ёзилган эди.

РУДДА ГАПЛАШМАЙ КЕТИНГ

Москва кўчаларида ҳаракат қилаётган автомобилларнинг ҳайдовчилари учун машинада кетаётганда уяли телефондан фойдаланиш таъқиқланадиган бўлди. «Вечерняя Москва» газетасининг ёзишича, шаҳар ҳокими яъни бу тўғрида фармойиш тайёрлаб қўйди. Чунки ҳаракат чоғида телефонда гаплашиш тўғрисида йўл-транспорт фалокатлари сони кескин ошаётган эди.

МАРАДОННИ ХУДО АСРАДИ

Аргентиналик дунёга машҳур Диего Марадонанинг автохалокатга учрагани ролдир. Лекин ҳеч қандай жиддий жароҳат олмаган. Марадона ўз машинаси - «Жип»да Гавана чеккасидаги йўлдан бораётганда (кечқурун), тўсатдан ёмғир ёғиб қолади ва футболчининг машинаси қаршисидан келаётган сайёҳлар тўла автобусга бориб урилади. Диего шунинг заҳотиёқ касалхонага еттишди, аммо юқорида таъкидланганидай, унга ҳеч қандай зарар етмагани аниқланди. «Ута бақувват «Жип»им худди консерва кутисидай эзилгани кетса-да, мен омон қолдим. Тўғрироғи, мени Худо асради» - дейди қўларини балинд кўтариб, қувончдан сакрай-сакрай Марадона.

Кўшиларимиз ҳаётидан

ҚОЗОФИСТОН

Қозғистон энергетика ва маъданли ресурслар вазирлиги аэрокосмик қўмитасининг раиси Мейирбек Молдабековнинг маълум қилишича Россия «Бойкўнғир» космодромини ижарага олиб туришни давом эттириш ниётида. Бунинг учун у йилга Қозғистонга 115 миллион доллар тўлайди. Бундан ташқари, «Бойкўнғирдаги инфратузилмаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Россия йилга Қозғистон хазинасига 50 миллион доллар маблағ ўтказди. Россия томони шаҳарнинг космодромга хизмат қилаётган аҳоли яшайдиган қисмини маблағ билан таъминлашни ҳам ўз зиммасига олган.

Остонада Қозғистон дипломатия академияси ва Европа комиссиясининг республикадаги ваколатхонаси ҳамкорликда ташкил этган халқаро анжуман ўтказилди. Мазкур анжуман дипломатияни ривожлантириш, халқаро ҳамкорлик, зиддиятларни бартараф этиш, шунингдек, Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги ва барқарорлиги масалаларига бағишланди. Анжуман иштирокчилари Каспий денгизининг юридик мақоми, савдо ва боғжона билимлари бўйича шартларга риоя қилиш масалаларини ҳам кўриб чиқишди.

Қозғистон ҳукумати матбуот хизматидан маълум қилишича, Ўзбекистон Қозғистонга бериладиган газнинг нархини минг кубометрга 50 доллардан 40 долларга арзонлаштирди. Қозғистон ҳукумати делегациясининг Тошкентга ташрифи мобайнида ушбу натижага эришилди. Ташриф давомидида республиканинг жанубий минтақаларини 2001 йилда газ билан таъминлаш учун 15 миллиард кубометр таъни оқорида белгиланган нархда сотиб олиш тўғрисида битим тузилди.

ҚИРГИЗИСТОН

Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлигида «2001 йилда Қирғизистон ва Россия Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик дастури» имзоланди.

Ушбу ҳужжат мувофиқ томонларнинг ташқи сийбас соҳасида ўзаро саъй-ҳаракатларини амалга ошириш ва глобал ҳамда минтақавий дипломатия, хавфсизлик, чегараларни муҳофаза қилиш, МДҲдаги зиддиятли нукталарда тинчликпарварлик ақцияларини ўтказишда амалий қадамлар қўйишга келишилди.

ТОЖИКИСТОН

Душанбеда АҚШ ва Тожикистон ҳарбий амалдорлари ўртасида музокаралар ўтказилди. Музокараларда икки мамлакат ўртасида ҳарбий соҳада ўзаро ҳамкорлик, шунингдек Тожикистоннинг НАТОга кириши масалалари муҳокама этилди.

Бундан ташқари, минтақадаги хавфсизлик муаммолари ва қўшни Афғонистондаги вазият ҳусусида ҳам фикр юритилди.

Душанбеда «ҳизбут-таҳрир» диний экстремистик партия фаоллари устидан суд жараёни давом этаётган. Олий суд аъзоси Анвар Ахмедов раислигида ўтказилган суд мажлисида ушбу партиянинг саккиз аъзоси иши қўрилиб, улар турли мuddатга озодликдан маҳрум этилди.

Хизбут-таҳрирчиларнинг барчаси бир йил аввал ҳибсга олинган бўлиб, Анвар Ахмедовнинг маълум қилишича, экстремистларнинг айблари ҳужжатлар ва далиллар асосида тўла-тўқис исботланган.

2000 йилда Тожикистонда соқилларни йиғиш 1999 йилга қараганда 13 миллион сомонийга кўпайди. Шундай қилиб, халқаро молиявий институтлар томонидан траншлар ажратишнинг мумкин шарҳларидан бири бақарилди. Давлат хазинасига жами 166 миллион сомоний келиб тушди. Ундан 98,8 йиллик Тожикистондаги йиғиш корхоналар улуғига тўғри келди.

Ушбу воқеа илгари чиқаришнинг, энг аввало, санъатни изга тушаётган дилоллар бераётган. Соқилнинг 19 та туридан уч тури бўйича режа курсаткичи бақарилмади, холос.

«Туркистон-пресс».

Хотира — қалбдаги ҳайкалдир

ОЛТИН КЎПРИК

Биз журналистика факультетида тахсил олган 1980 йилларда дорилфунунимиз — Тошкент давлат университети деб юритилар, таржима назарияси фанидан домламининг исми шарифлари эса — Файзулла Саломов эди. Ўзбекистон мустақиллиги шарофати ила устозимиз мақолаларига Файзуллоҳ ас-Салом деб қўя бошлади, ўша ўқув маскани эса Ўзбекистон Миллий университетига айланди! Бугун оддий ҳолдек туюлаётган ҳодисотлар шунчаки воқеа эмас. Бу асрий орзулар учун курашнинг бетимсол галабаларидан ҳисобланса не ажаб. Юртимиз истиклолга эришгач, беҳисоб қадриятларимиз қатори мўътбар исмлардан тортиб тарихий номларга қайтадан жон ато этилмоқда! Таъбир жоиз бўлса, ўткинчи «давр мафқураси» ўрнини аслик — аср қадриятимиз эгаллаётганини шулар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.



Орзуларга етишиш учун кураш ҳақида сўз айтиш. Бугунги ёш авлод айнан ўша «кураш» сўзининг маъносини айрича тушунар! Биз ўша «курашаётган»лар билан ёна-ён юриб, ҳамнафас бўлиб ҳам ўз даврида туб маъносини тушуниб етмаганми. Билганимиз шу эдики, таржима назарияси жуда муҳим, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт учун сув ва ҳаводек зарур фан, аммо, унинг ривожига «тўсиқ»лар кўп... Ушундан бундай «тўсиқ»лар ҳақида сўраб-суриштиришнинг ўзи хатарли эди... Барибир, дорилфунунимизда «Таржима назарияси кафедрасининг асосчиси деб ном олган домламин Файзулла Саломов ўз фанига меҳр ва эҳтирос билан талабаларга сабоқ беришда давом этарди. Жаҳон халқларининг адабий, маданий, илмий, маънавий алоқалари учун таржима мисоли олтин кўприк эканини, таржима санъатини халқлар, турли тилда сўзлашувчи миллат-у элатлар бир-бирлари учун гўё «соқ» бўлиб қолиши мумкинлигини фидойий устозимиз илмий-назарий жиҳатдан асослаб тушунтирдилар. Жаҳон адабиёти дурдоналарини тўқис холда ўзбек тилида кўриш устозининг асл орзуси эди! Наҳот, шундай ажиб орзулар буй чўзишига тўсиқликлар бўлса, дея хайрон эдик... Собиқ шўро даврида онги эндигина шаклланаётган ўқувчилар ўқда турсин ҳатто дорилфунун талабалари ҳам ақлига сиқира олмасди...

Кўзлаган эзгу мақсади — илму-маърифат тантанаси учун ҳар қандай курашдан толмаслиги ҳушсурат жуссаси ва нури чехрасидан аён қўриб турган устознинг ўша кезларда қанча кўргуликларни бошидан камолот чўққисига эришган, мустақиллик шаббодасида ўша орзу дарахти янада кўкка бўй чўзгани ҳақида «Эй умри азиз» китобидан мутолаа қиларканман беихтиёр кўзларимда ёшлар халқалариди. Наҳот, шундай аллома тирикчилигида қадрига етадиган мардлар топилмаган? Йўқ, домламиниз ёлғиз бўлмаганлар. У киши атрафоюда кўплай фидойилар камарбаства бўлишган! Улар сафида Шароф Рашидовдек улғу инсон ҳам бўлгани ҳақида домла эҳтиром ила ёзганлар. Афсус, у даврда «қизил тузум»га бас келиш осон эмасди... Шулар ҳақида ўйлансанг, истиклол пойига поёндоз тўшаб, шукроналар айтгинг келадил!

Файзулла Саломов инсониятнинг бебаҳо бойлиги — тил учун қайғурардилар. Биргина она тилимиз равнақи учунгина эмас, бутун жаҳон халқларининг тиллари мутаносибликда ривожланиши ҳамда бир-бирларини табиий равишда бойитиб бориши, улар ўртасида эса таржима чинакам олтин кўприк ролини ўйнашини илмий жиҳатдан исботлаб, сабоқ берадилар. Талабаларга таржима назариясидан дарс ўтиш асосида аввало ўз она тилимиздаги ҳар бир сўзни кўз гавҳаридек асрашимиз зарурлигини қайта-қайта уқтирдилар. Тил авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтар экан, ўз замонасига қараб тараққий этиб боришини кўплай мисоллар билан тушунтирдилар. Дейлик, ўзбек адабиёти, даҳоси Мир Алишер Навоий асарларидаги айрим сўзларни тушуниш биров мушкуллиги боиси нимада эканини устоз тўғри изоҳлардилар. «Асар қайси даврда таржима қилинса, шу пайтдаги истеъмолда бўлган тил, сўз бойликлари воситасида амалга оширилади, — деб уқтирдилар устоз. — Айтилик, Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» асарини тағин бир неча юз йилдан кейинги авлод таржима қилган тақдирда ўзларининг истеъмолида бўлган сўзларни қўлайдилар... Таржима тиллар, адабиётлар урашушигина эмас, балки тарихан таркиб топган миллий, адабий аънаваларнинг ҳам дунлашуви, уйғунлашуви махсули... Мослаштириш майли онгли равишда ҳам, беихтиёр — таржимоннинг хоҳишидан ташқари ҳам содир бўлиши мумкин».

Буни қарангки, бугун Навоий ҳазратларининг асарларини — ўз бобомиз, ўтмиш дошимизнинг маънавий меросини ўрганишда ҳам зукко таржимонларга эҳтиёж сезяммиз... Демакки, Файзуллоҳ ас-Салом домламиниз бизга берган сабоғи аслида асарлар оша ҳар бир авлод ўрганиши ва амалиётда мудом қўллаши зарур бўлган муҳим фан экани Таржима — иккита тил ўртасидагина эмас, балки турли асрларда, даврларда яшайдиган бир миллатнинг аждоғи ва авлоди ўртасида ҳам «олтин кўприк» асосини бақарар экан. Бундай назарий билимларга келгуси авлодларини ҳам хали кўп бора мурожаат қилишларини ҳаётнинг ўзи тақозо этиши шубҳасиз. Замона зайли билан алифбосииз яна ўзгарди. Биситимиздаги барча китоблар — илмий, адабий-бадий асарлар, жумладан, ўтган асрда таржима қилинган рус классик асарлари, жаҳон адабиёти дурдоналари ҳам лотин алифбосига асослан-

ган янги ёзувимизга «таржима қилиниши» зарур. Ҳўш, бунда ҳозиргача сизу биз ўқиган тайёр таржималар янги ёзувга ўтказиб қўя қолинадими ё асл макба — «оргинал»дан ўғириладими? Қандоқ йўл тутилса тўғрироқ, мақсада мувофиқроқ бўларди?... Бу каби саволлар, бахтсалаб муаммолар устида хали қанча ўйлаш, бош қотиришга тўғри келадил. Қаранг, таржима назариясининг ҳақиқий домламинидан бўлган Файзуллоҳ ас-Салом домла ҳаёт бўлганларида бу масалада қанча мушкул тугунларни осонгина ҳал этиб бериши мумкин эди! Шундай кезларда раҳматли устозни ҳар биримиз армон билан эслаймиз, соғинаммиз...

Таржимончилик назарияси жуда катта илмидир. «Ўзбек назарий таржимачилиги мактаби» асосчиси, филология фанлари доктори, профессор Файзуллоҳ ас-Салом сабоқларини ул мўътбар зотнинг ҳаётлигида ўзларидан ўрганганимиз қанчалик улғу бахт бўлганини энди энтикиб эслаймиз...

Қадим аждодлар ҳақида гап кетганида уларнинг турли соҳада ижод ва кашфиётлар қилишгани ҳақида фарқ-ифтихор билан сўз юритамиз. Дунёга машҳур тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино айни вақтда фалсафа ва бошқа фанлар билан ҳам шугулланган. Ҳатто, унинг талайгина шеърлари бизгача етиб келган. Бетакрор тўртликлари билан доврғу достон Умар Хайём эса асли математика ва бошқа бир қанча асли фанлар соҳасида улкан кашфиётлар қилган экан. Умар Хайём яратган тақвим нечоғли аниқлиги билан дунё ахли донишларини ҳайратга солмоқда. Худди шундай давримиз донишмандларидан бўлган Файзуллоҳ ас-Саломга турфа хислатлар асли улғу аждодлар қонидан ўтган бўлса не ажаб! Зотан у кишининг бадий ва публицистик ижоди, одоб-ахлоқ, маънавият мавзусига бағишланган мақолаларидан баҳраманд бўлган киши топилмасе керак. Таржимашунослик билан бир қаторда адабиётшунослик, тилшунослик, луғатшунослик, қомусшунослик, услубиёт, ҳисий-қолипловчи тарх (типология), халқ табиати, табиётушунослик (экология), мусиқа, диншунослик муаммолари билан шугулланган аллома мазкур соҳалардаги қимматли фикрларини ёзиб, қатор китобларига жам этган. Айтилик, диншуносликдек нозик соҳада ёзган мақолалари, хусусан, Қуръоннинг таржимасига бағишланган чиқишлари ҳеч бир зиёлини бефарқ қолдирмасе керак. Умуман, файласуф олимнинг ҳар бир фикрини алоҳида қимматга эга, дегим келадил. Устознинг илмий, маърифий, ижодий ишлари ўзига хос хазина бўлса, у кишидан таълим-тарбия олган юзлаб шогирдлари, турли илмий унвонларга эга бўлган олимларни ҳақли равишда содиқ издошлари, десак арзийди.

Умрининг сўнги дақиқаларига қадар илму-маърифат, фалсафа ва донишмандлик ижоди билан шугулланган Файзуллоҳ ас-Салом домламиниздан эса қатор китоблари, яратган мактаби қолди! «Эй умри азиз бўлган устоз! — дейман ул мўътбар зотнинг руҳи билан ҳаёлан ҳамсўҳбат бўлиб. — Сиз хали яшашингиз зарур эди! Узингиз энтикиб орзу қилган мустақиллигининг пойдевори янада мустахкам бўлишига донишмандона хизматингизни қилишингиз, янги давр авлодларига ҳам беназир сабоғингизни беришингиз лозим эди!» Булар армон, булар энди ширин ҳаёл... Иккинчи минг йиллик бўсағасида — ўтган йили январнинг сўнги кунида Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилаётган бир анжуманда суюкли домламиниз бандаликни мажо келтиргани ҳақида эшитиб юракларимиз ларзага келган. Етмишга етар чоғида ул мўътбар зотнинг кўп орзулари армонга айланди. Бир йилдирки, менинг қалбим аллома устозимиз хувиланб қолган. Бу кун жисман бўлмасе-да, рухан тирик устозининг аждоғи китобларини қайт-қайта варақлаб, ўзимча таскин толаман.

Устоз Файзуллоҳ ас-Салом сабоғини олган замондошларим, тенгқурларим бугун энг шимарли газета-журнал, радиотелевизион тахририятларида, китоб нашриётларида, илмий даргоҳларда фаолият кўрсатишмоқда. Мустақил юртимиз жаҳон майдонига даимо муносиб ўрни ва салохиятига эга бўлиши учун дадил курашаётган ҳар бир ижодкор атрафида раҳматли устоз руҳлари шодумон кезаётганига ишонаман! Илло, тиллар ва диллар, аждодлар ва авлодлар ўртасида ўзига яраша маънавий кўприк бўлиб қолган улғу руҳни абадул-абад шод қилиш авлодларимиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир!

Тўлқин ЭШБЕК,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

